



УУТ: 631.54

## ЕРЁНҒОҚНИНГ “МУМТОЗ” НАВИ УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Қ/х.ф.ф.д.к.и.х.: Узақов Фуломжон Оқбўтаевич  
таянч докторанти  
Азизова Адиба Қосим қизи  
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти*

**Аннотация.** Мақолада Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ерёнғоқнинг “МУМТОЗ” нави дала унувчанлиги экиш муддати, экиш схемаси ва ўғит меъёрлари таъсири баён қилинган.

**Калит сўзлар.** Ерёнғоқ, “мумтоз”, дала унувчанлиги, экиш муддати, экиш меъёри, минерал ўғитлар меъёри, экиш схемаси.

**Аннотация:** В статье рассмотрено влияние сроков посева на полевое плодородие семян арахиса сорта «Мумтоз» на светло-серых почвах Кашкадарьинской области.

**Ключевые слова.** Арахиса урожайность, сроки посадки, критерии посадки, критерии минеральных удобрений, схема посадки.

**Абстракт.** The article considers the influence of sowing time on the field fertility of peanut seeds of the Mumtoz variety on light gray soils of the Kashkadarya region.

**Key words.** Peanut yield, planting dates, planting criteria, criteria for mineral fertilizers, planting scheme.

### **Мавзунинг долзарблиги.**

Бугунги кунда аҳоли сонининг ортиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига талаб йилдан йилга ортиб бораётганлиги, ички бозорда нархларнинг ўзгариши, шиддат билан ўсиб бораётган аҳолини талабини қондириш билан бир қаторда кондитор саноатини хомашё билан таъминлаш ва эксперт хажмини купайтириш чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлаш долзарб масалаларидан бири бўлиб хисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг унувчанлиги ҳосилдорликни таъминловчи асосий омил хисобланади. Шунинг учун республиканинг жанубий минтақаси оч тусли бўз тупроқлари (Қарши тумани) шароитида ерёнғоқнинг дала унувчанлиги ўрганилди. Лаборатория шароитида



шикастланмаган уруғлар ўстириб кўрилганда 100 гача унувчанлик аниқланган бўлса, дала шароитидаги унувчанлик бироз фарқ қилиши кузатилди.

Олинган ма'лумотларга асосланиб, ерэнғоқ уруғларининг униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 18-20 ° С ни ташкил қилади, деган хулосага келиш мумкин, бунда нафақат юқори униб чиқиш энергияси ва униб чиқиши, балки илдиз тизимининг тезроқ ривожланиши ҳам кузатилган.

Олинган ма'лумотларни ҳисобга олган ҳолда, Беларусиянинг иқлим шароитида иссиқроқ иқлими бўлган худудлар учун тавсия этилганидек, тупрокни тўғридан-тўғри экиш билан эмас, балки кўчат усули билан ерэнғоқ етиштириш тавсия этилган. Бундан ташқари, бу ўсимликларга керакли миқдордаги самарали ҳароратни тўплаш имконини берган, бу 130-150 кунлик нисбатан қисқа вегетатсия даврига қарамай, ерэнғоқ учун 2600-3500 ° С ни ташкил қилганлиги аниқланган [1].

Ж.Б.Худайкулов тадқиқотларида турли меъёрларда маъданли ўғитлар қўллаш тадқиқ этилган барча вариантларда уруғларнинг униб чиқиш давридаги фарқ бир-бирига яқин бўлганлиги, бу вақтда фосфорли ва калийли ўғитларнинг самарали таъсири қарийиб кузатилмаганлиги таъкидланган. Тажирибада экилган “Тошкент-112” ҳамда “Мумтоз” навлари уруғлари апрел ойининг 20 санасида 70x10x1 схемасида экилганда 8-10 май кунларига келиб “Тошкент-112” навида экилган уруғларнинг 62-74% ва “Мумтоз” навида 64-82% уруғлар униб чиққанлиги кузатилган [2].

Ушбу тадқиқот 2023-йил Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтига қарашли Ғузор тумани Бўстон худудида жойлашган тажириба майдонида ерэнғоқнинг “Мумтоз” нави уруғларининг дала унувчанлигига экиш муддати, ўғит меъёрлари ва экиш схемалари таъсири баён қилинган.

Ерэнғоқнинг Мумтоз нави уруғлари 15 апрел, 1 май ва 15 май кунлари экилиб, ундириб олиш учун суғорилди. Уруғларнинг дастлабки униб чиқиши 15 апрелда экилган уруғларнинг дастлабки униб чиқиши 2-майда (17 кунда) кузатилиб, вариантлар бўйича ўртача 85-87 % уруғлар дала шароитида униб чиққанлиги аниқланиб, бу муддатда ҳам фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг уруғлар дала унувчанлигига таъсири ҳамда экиш схемасининг таъсири аниқланмади. Ўртача 1 п/м да униб чиққан ўсимликлар 90x10-1 схемада 9,3 тани ва 90x20-1 схемада эса 4,8 тани ташкил этиб, уруғларнинг дала унувчанлиги 85-87 % ни ташкил этди (1-жадвал).

1 майда экилган уруғларнинг дастлабки униб чиқиши 13 майда (12 кунда) кузатилиб, вариантлар бўйича ўртача 84-85 % уруғлар дала шароитида униб



чиққанлиги аниқланиб бу муддатда ҳам фосфорли ва калийли минерал ўғитлар дала унувчанлигига таъсири ҳамда экиш схемасининг таъсири аниқланмади. Ўртача 1 п/м да униб чиққан ўсимликлар 90x10-1 схемада 9,2 тани ва 90x20-1 схемада эса 4,7 тани ташкил этди.

### 1. -жадвал

#### Ерэнғокнинг “Мумтоз” нави уруғларининг дала унувчанлигига экиш муддатларининг таъсири

Экиш муддати	Ўғит меъёри	Экиш схемаси	Униб чиқиш, сана	Униб чиққан ўсимлик сони, дона / 1 п/м				Унувчанлик, %
				1-қай.	1-қай.	1-қай.	ўртача	
15 апрель	Ўғитсиз (назорат)	90x10	2 май	9	10	10	9,3	85
		90x20	2 май	5	4	5	4,8	87
	N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>35</sub>	90x10	2 май	9	10	10	9,3	85
		90x20	2 май	4	5	5	4,8	87
	N <sub>85</sub> P <sub>120</sub> K <sub>50</sub>	90x10	2 май	9	9	10	9,3	85
		90x20	2 май	5	4	5	4,8	87
	N <sub>105</sub> P <sub>150</sub> K <sub>65</sub>	90x10	2 май	8	10	10	9,3	85
		90x20	2 май	5	5	4	4,8	87
1 май	Ўғитсиз (назорат)	90x10	13 май	10	8	10	9,2	84
		90x20	13 май	5	5	4	4,7	85
	N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>35</sub>	90x10	13 май	10	9	9	9,2	84
		90x20	13 май	5	5	4	4,7	85
	N <sub>85</sub> P <sub>120</sub> K <sub>50</sub>	90x10	13 май	10	9	9	9,2	84
		90x20	13 май	5	5	4	4,7	85
	N <sub>105</sub> P <sub>150</sub> K <sub>65</sub>	90x10	13 май	10	9	9	9,2	84
		90x20	13 май	5	5	4	4,7	85
15 май	Ўғитсиз (назорат)	90x10	26 май	10	8	9	9,1	83
		90x20	27 май	5	5	4	4,6	83
	N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>35</sub>	90x10	27 май	9	9	9	9,0	82
		90x20	27 май	4	4	5	4,6	83
	N <sub>85</sub> P <sub>120</sub> K <sub>50</sub>	90x10	26 май	10	9	8	9,2	84
		90x20	27 май	4	5	5	4,6	83
	N <sub>105</sub> P <sub>150</sub> K <sub>65</sub>	90x10	26 май	9	9	10	9,2	84
		90x20	26 май	4	5	5	4,6	83

15 майда экилган уруғларнинг дастлабки униб чиқиши 26-27 майда (11-12 кунда) кузатилиб, вариантлар бўйича ўртача 83 % уруғлар дала шароитида униб чиққанлиги аниқланиб, бу муддатда ҳам фосфорли ва калийли минерал



Ўғитларнинг уруғлар дала унувчанлигига таъсири ҳамда экиш схемасининг таъсири аниқланмади. Ўртача 1п/м да униб чиққан ўсимликлар 90x10-1 схемада 9,0, 9,1, 9,2 тани ва 90x20-1 схемада эса 4,6 тани этди.

**Хулоса** ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки Ерёнғоқнинг Мумтоз нави уруғларининг униб чиқиши ва дала унувчанлигига фосфорли ва калийли ўғитлар ҳамда экиш схемаси таъсир кўрсатмасида, экиш муддатларининг кечикиши, тупроқ ҳарорати юқори бўлиши ҳисобига уруғларнинг униб чиқиш даврининг 3-5 кунга қисқаришига, уруғларнинг дала унувчанлигининг 1-3- % га пасайишига олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Агроклиматическое зонирование территории Беларуси с учетом изменения климата / В. Мельник [и др.] [Электронный ресурс]. — Режим доступа: <https://минприрода.гов.бй/уploads/филес/Агроклиматическое-зонирование-Республики-Беларус.пдф>. — Дата доступа: 08.04.2022.
2. Ж.Б.Худайкулов Ерёнғоқ навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларига озиқланиш майдонининг таъсири. Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази. Тошкент 2020 й 119-122 б.